

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Gr.02.07
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДА ТУЗИЛГАН
БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

**Т.Н.ҚОРИ НИЁЗИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА
ФАНЛАРИ ИЛМий-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ЖАНЗАКОВ АНВАР БОТИРОВИЧ

**УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ГЕОГРАФИЯ ФАНИНИ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВОСИТАСИДА ЎҚИТИШ
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (география)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Жанзаков Анвар Ботирович

Умумтаълим мактабларида география фанини ахборот технологиялари
воситасида ўқитиш механизмларини такомиллаштириш..... 3

Жанзаков Анвар Ботирович

Совершенствование преподавания географии в общеобразовательных
школах с использованием информационных технологий 21

Janzakov Anvar Botirovich

Improving the teaching of geography in secondary schools using information
technology..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Gr.02.07
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДА ТУЗИЛГАН
БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

**Т.Н.ҚОРИ НИЁЗИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА
ФАНЛАРИ ИЛМий-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ЖАНЗАКОВ АНВАР БОТИРОВИЧ

**УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ГЕОГРАФИЯ ФАНИНИ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВОСИТАСИДА ЎҚИТИШ
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (география)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2018.3.PhD/Ped610 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ҳамда «ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Ибраимов Холбой педагогика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Боймирзаев Каримжон Мирзахмедович география фанлари доктори, доцент Файзиев Мирзаали Асфандиёрович педагогика фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Қарши давлат университети

Диссертация химояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Gr.02.07 рақамли илмий кенгаш асосида тузилган бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил 9 октябр куни соат 13-00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15 уй. Самарқанд давлат университети Бош биноси, фаоллар зали Тел.: (99866) 239-16-36; факс: (99866) 239-11-40; E-mail: ik-geografiya.2019@mail.ru.

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15 уй). Тел.:(99866) 233-60-87.

Диссертация автореферати 2021 йил _____ кунни тарқатилди.
(2021 йил «21» сентябрдаги 2 рақамли реестр баённомаси)



С.Б. Аббасов
Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш раиси, г.ф.д., профессор

Б.А. Мелиев
Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш илмий котиби, г.ф.ф.д. PhD

Н.Қ. Комилова
Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
г.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда география таълим жараёнига компетенциявий ёндашув асосида ўқувчиларнинг табиий-илмий саводхонлигини замонавий педагогик ва ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланиб, таълим сифат ва самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Табиий фанларни, жумладан, географияни ўқитишда компьютернинг педагогик дастурий воситалари, ахборот таълим муҳитларидан самарали фойдаланиш орқали ижодий қобилиятини ривожлантириш ҳамда назарий-методологик асосларини такомиллаштиришни тақазо этади.

Халқаро миқёсда география таълимининг сифат ва самарадорлигини оширишда инновацион технологиялар, дидактик материаллар ва ахборот технологияларни тадбиқ этиш механизмларини замонавий ривожланиш тамойиллари асосида янада такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шунга мос равишда ўқувчиларда география фанига оид зарур компетенцияларни шакллантириш, фанлараро боғлиқлик моҳиятини очиқ бериш, таълим технологияларининг ахборот технологиялари воситалари билан интеграциялаш асосида фаннинг назарий асосларини мустаҳкамлаш зарурати юзага келди.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда умумтаълим мактабларининг таълим-тарбия жараёнини модернизациялаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш орқали ўқувчи-ёшлар учун кўшимча ўқув муҳитини яратишга қаратилган чора-тадбирлар ёш авлодни маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожлантиришни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, ўқув-тарбия жараёнига таълимнинг инновацион шакллари ва усулларини ахборот технологиялари асосида интеграциялашган ўқув муҳити орқали ўқувчиларда таълим олишга кучли мотивацияни шакллантириш талаб этилмоқда. Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида «Халқ таълими соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацион лойиҳаларни жорий этиш; ўқитиш усулларини такомиллаштириш, ўқитувчилар ҳамда мактаб маъмуриятини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва воситалари билан таъминлаш; таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич тадбиқ этиш, муқобил ёндашувларни ўрганишга ва илмий асослашга йўналтирилган амалий характердаги илмий изланишларни ривожлантириш»¹ каби устувор вазифалар белгиланган. Бу борада 7-синф мисолида география фанидан очиқ фойдаланишга мўлжалланган ахборот таълим платформаларини яратиш, замонавий педагогик дастурий воситаларини ва ўқитиш тузилмасини таълим технологияларини интеграцияси асосида такомиллаштириш, ўқувчиларнинг дарсдан ташқари ўқув фаолиятини ташкил этиш методикасини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сон Фармони. – Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06/19/5712/3034-сон, 29.04.2019 й.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 25 январдаги ПФ-5313-сон «Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Таълим жараёнида ахборот технологияларни жорий этишнинг интеграциялаш назарияси ва методологияси ҳамда фойдаланиш методикасини такомиллаштириш, масофали ўқитиш технологияларини қўллаш муаммолари, ўқув жараёнида электрон ўқув-услубий мажмуалар, электрон таълим ресурслари ва амалий дастурларни қўллаш муаммоларига оид юртимизда: А.А.Абдуқодиров, А.Пардаев, Б.З.Тўраев, М.М.Арипов, А.И.Тиллаев, М.Х.Алламбергенова, А.Д.Аскарлов, У.Ш.Бегимкулов, Р.Ҳ.Джўраев, П.М.Жалолова, Ф.И.Закирова, М.Ҳ.Лутфиллаев, Н.И.Тайлаков, У.М.Мирсанов, Т.Т.Шоймардонов, Г.С.Эргашева, Н.А.Қаюмова; Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларида: О.Е.Белова, Т.Г.Везиров, Т.Т.Галиев, Е.А.Ганин, Н.А.Гончарова, В.В.Гура, А.В.Данилькевич, Ж.Ж.Карбозова, В.А.Куклев, Э.С.Матосов, А.В.Обрубова, О.А.Тарабрин, Э.П.Черняева, Е.В.Чернобай; Хорижда: Р.Alfred, К.С.Barker, О.Erstad, О.Jennifer, В.Means каби олимлар томонидан тадқиқ этилган.

География фанини ўқитиш методикасига оид тадқиқотлар мамлакатимизда: А.Абдулқосимов, П.Баратов, Ҳ.Ваҳобов, Р.Т.Гайпова, Е.А.Истомина, С.Х.Матсаидова, М.Маматқулов, П.Мусаев, Ж.Мусаев, В.А.Рафиқов, Н.И.Сафарова, А.Соатов, М.Тиллабоева, Г.М.Турсупбекова, А.Қаюмов, Р.Қурбонниёзов, П.Ғуломов, В.Н.Федорко; Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларида: Н.О.Верещагина, Г.Я.Нечепуренко каби олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Шунингдек, география фанини ўқитишда ахборот-коммуникацион технологиялари, компьютернинг педагогик дастурий воситалари асосида ўқитиш сифат ва самарадорлигини оширишга оид мамлакатимизда: У.Ҳ.Сафаров, Ҳ.Б.Никадамбаева, Ф.А.Хамроева; Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларида: А.С.Баранов, Е.Ю.Заболотнова, Ю.В.Митрофанова, М.Г.Надери, Е.В.Подвальная, Р.Е.Торгашев,

А.И.Шейнис; хорижда: A.Glasmeier, K.Lynch, E.Michael, R.Scheyvens, C.Jain каби олимларнинг илмий-тадқиқот ишларини кўриш мумкин.

Юқоридаги олимларнинг илмий-тадқиқот ишларида география фанини ўқитиш методикаси ҳамда география фанини ўқитиш самарадорлигини оширишда компьютернинг педагогик дастурий воситаларини, масофадан ўқитиш технологияларини қўллаб ўқитишга қаратилган бўлсада, уларни ишларида мамлакатимизнинг умумий ўрта таълим мактабларида география фанини ўқитишда ахборот технологиялари воситаларини қўллашга оид илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Шу боис умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун география дарслари ва дарсдан ташқари ўқув фаолиятини такомиллаштиришда замонавий ахборот технологиялари воситаларини кенг қўламда жорий этиш, ўқувчиларнинг қизиқишини ва креатив сифатларини оширишга йўналтирилган ўқитиш методикасини атрофлича тадқиқ этиш долзарблик касб этмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Навоий давлат педагогика институти иш режасининг ИТД-4-35-сонли «Навоий региондаги табиий-техноген жараёнларни тадқиқ қилиш ва табиий (физика, кимё, биология, геология, экология ва бошқа) фанларни ўқитишда экологик тарбияни амалга оширишнинг педагогик асослари» (2009–2011 йй.) мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади умумтаълим мактабларининг 7-синф география фанини ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланиб ўқитишнинг илмий-методик асосларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

география фанидан таянч компетенциялар таркиби ахборот технологиялари воситасидан фойдаланишни аниқлаштириш;

география фанидан ўқитишда ўқувчиларнинг таҳлил ва синтез қилиш, ижодий фаоллик, креатив фикрлашини ахборот технологиялари воситалари асосида такомиллаштириш;

география фани машғулотларининг ўқув-ташкилий тузилмаси ўқитиш технологияларини такомиллаштириш;

7-синф география фанидан мустақил ўқув фаолиятини ташкил этишга қаратилган интерфаол методлар ва ахборот технологиялари асосида ўқитишга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида умумтаълим мактабларининг 7-синф география фанини ахборот технологиялари воситалари ёрдамида ўқитиш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Тошкент шаҳри, Самарқанд вилояти, Навоий шаҳри ва Жиззах вилоятларидаги 7 та мактабни 470 нафар ўқувчиси жалб этилган.

Тадқиқотнинг предметини умумтаълим мактабларининг 7-синфларида география фанини ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланиб ўқитишнинг мазмуни, методлари, шакли ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида педагогик кузатув, ахборот технологиялари воситаларини қиёсий таҳлил этиш, умумтаълим

мактабларидаги илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, педагогик тажриба-синов, анкета сўровнома, онлайн тест, суҳбат, Стьюден-Фишер критерияси асосида математик-статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

7-синф география фанидан таянч компетенциялар таркибига кирувчи ахборотлар билан ишлаш, ўзини ўзи ривожлантириш босқичлари интерфаол харита, вебга мўлжалланган дидактик ўқув воситалар, назорат қилувчи ва баҳоловчи амалий дастурлардан фойдаланиш элементларига устуворлик бериш асосида аниқлаштирилган;

ахборот таълим муҳитида география фанини ўқитишда ўқувчиларнинг таҳлил ва синтез қилишини, ижодий фаоллигини, креатив фикрлашини ҳамда компетентлигини дидактик ва ривожлантирувчи имкониятларининг онлайн ва оффлайн тестлар (TIMSS, PISA асосида), тўғарақлар ва ахборот ресурслари мажмуасидан иборат модели яратилган;

умумий ўрта таълим мактабларида 7-синф география фани машғулотларининг ўқув-ташкилий тузилмаси ўқитиш технологиялари (шахсга йўналтирилган, муаммоли), виртуал харита, уч ўлчовли ўқув воситалар, мультимедиали иловалар каби дидактик электрон таълим ресурслари билимлар кетма-кетлигига кўра интеграциялаш, тизимлаштириш, мослаштириш ва бойитиш асосида такомиллаштирилган;

умумий ўрта таълим мактабларида 7-синф география фанидан мустақил ўқув фаолиятини ташкил этишга қаратилган интерфаол методлар (“Резюме”, “ФСМУ”, “Муаммоли”) ва замонавий ахборот технологиялари асосида ўқитиш моделларини ривожлантириш, махсус доменга жойлаштирилган электрон таълим ресурсларини икки босқичда олиб бориш, онлайн ўқув машғулотларни виртуал шаклда ташкил этишга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

умумтаълим мактабларининг 7-синфи учун география фанидан интернет тармоғида очиқ фойдаланишга мўлжалланган ахборот таълим платформаси ишлаб чиқилган;

умумтаълим мактабларининг 7-синф география фанига оид мультимедиали иловалар, тақдимотлар, кўрғазмали қурооллар, интерактив хариталар, электрон дарсликлар, креатив фикрлашга оид топшириқлар ва онлайн тестлар мазмунининг ДТСга мослиги, мамлакатимиз умумтаълим мактабларининг география фани ўқитувчилари томонидан кўриб чиқилиб, фойдаланишга тавсия этилган ҳамда <http://geografiya-7.uz/> манзилидаги ахборот таълим платформасига жойлаштирилган;

умумтаълим мактабларининг 7-синфи учун география дарсларини ахборот технологиялари воситалари ва муаммоли ўқитиш технологияларини интеграциялаш асосида дарс ўтиш методикаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган метод, восита ва усуллар, республикамиз, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва хориж олимларининг илмий ишларидан келтирилган таҳлилий маълумотлар, педагогик тажриба-синов ишлари самарадорлигининг Стьюден-Фишер

критериясидан фойдаланиб асосланганлиги, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, натижаларнинг тегишли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади, мавзуга оид муаммо республика, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва халқаро илмий-амалий конференция материаллари, ОАК томонидан эътироф этилган республика ва хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар эълон қилинганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таклиф этилган тузилма, ўқитиш модели ва яратилган ахборот таъли платформаси ва уларга жойлаштирилган педагогик дастурий воситалар ёрдамида умумтаълим мактабларининг 7-синф география таълимига ахборот технологияларининг жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, умумтаълим мактабларининг 7-синф география таълими жараёнида ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланиш таълим самарадорлигини оширишга қаратилган ахборот таълим платформаси ва унга жойлаштирилган педагогик дастурий воситалар ўқувчиларнинг дарсида ва синфдан ташқари ўқув фаолиятида география фанини ўрганиши ҳамда ўз билимларини мустақил баҳолаш учун хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Умумтаълим мактабларида география фанини ахборот технологиялари воситасида ўқитиш механизмларини такомиллаштириш методикасига доир тадқиқот натижалари асосида:

7-синф география фанидан таянч компетенциялар таркиби ахборот технологиялари воситасидан фойдаланиш ҳамда ахборот таълим муҳитида география фанини ўқитишда ўқувчиларнинг таҳлил ва синтез қилишини, ижодий фаоллигини, креатив фикрлашини ҳамда компетентлигини дидактик ва ривожлантирувчи имкониятларининг онлайн ва оффлайн тестлар, тўғараклар ва ахборот ресурслари мажмуасидан иборат модели яратишга оид таклифларидан 2012–2016 йилларда амалга оширилган Ф1-ХТ-0-16955-рақамли «Телекоммуникация тизимларининг глобаллашуви шароитида мактаб ўқувчиларини маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг асосий муаммолари» мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги республика таълим марказининг 2020 йил 17 декабрдаги 01/11-01/6-1538-сон маълумотномаси). Натижада, мазкур лойиҳа доирасида ишлаб чиқилган ўқув-ташкилий тузилмаси ўқитиш технологиялари ўқувчиларнинг география бўйича тегишли компетенцияларини шакллантиришга хизмат қилган;

умумий ўрта таълим мактабларида 7-синф география фани машғулотларининг ўқув-ташкилий тузилмаси ўқитиш технологиялари ва дидактик электрон таълим ресурсларни ўқув босқичлари ҳамда билимлар кетма-кетлигига кўра интеграциялаш асосида такомиллаштиришга оид таклифлардан 2011–2012 йилларда амалга оширилган ИХТ-2012-1-14-

рақамли «Умумий ўрта таълим мактабларида табиий фанлар мазмунини узвийлигини таъминлаш технологияси» мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги республика таълим марказининг 2020 йил 17 декабрдаги 01/11-01/6-1538-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу тавсиялардан 7-синф география фанининг ўқитиш методикасини такомиллаштириш имкониятини кенгайтирган;

умумий ўрта таълим мактабларида 7-синф география фанидан мустақил ўқув фаолиятини ташкил этишга қаратилган интерфаол методлар ва ахборот технологиялари асосида ўқитиш моделларини ривожлантириш, машғулотларини виртуал шаклда ташкил этишга оид таклиф ва тавсиялардан 2012–2014 йилларда амалга оширилган А7-ХТ-1-29687-рақамли «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мавжуд бўлган глобал экологик муаммоларни таълим воситасида ҳал этишга стратегик ёндашувлар» мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги республика таълим марказининг 2020 йил 17 декабрдаги 01/11-01/6-1538-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу тавсиялардан 7-синф география фанининг ўқитиш методикасини такомиллаштириш имкониятини кенгайтирган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та республика ва 2 та халқаро форум ҳамда илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий-услубий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола: 3 та республика ва 1 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан таркиб топган. Диссертациянинг умумий ҳажми 142 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатиб ўтилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари, илмий ва амалий аҳамияти баён қилинган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилишига оид маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Умумтаълим мактабларида географияни ахборот технологиялари воситаси ёрдамида ўқитишнинг назарий асослари» деб номланган биринчи бобида умумтаълим мактабларида географияни ахборот технологиялари воситаси ёрдамида ўқитишнинг педагогик муаммолари ва имкониятларининг илмий таҳлили келтирилган.

Бугунги кунда, умутаълим мактабларининг 7-синф география фанини ўқитишда ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланиш анъанавий усулларга нисбатан юқори бўлсада, унинг дидактик имкониятларига етарлича эътибор қаратилмаётганлигига тадқиқотимиз давомида амин бўлдик.

Айни пайтда, таълимга янгича ёндашувларнинг тадбиқ этиш зарурати, яъни, инглиз тилидан “ўзаро таъсир қилиш” деб таржима қилинган “интерфаол ўқув воситаси” пайдо бўлмоқда. Интерфаол ўқув воситаси – бу ўқитувчи ва ўқувчиларга ўқув жараёнининг барча субъектлари билан самарали ўзаро алоқани таъминлайдиган, ўқув-маълумотлари оқимини бошқариш, ўқув жараёнини ижодий ва когнитив ҳамкорликка айлантирадиган воситадир. Бу эса бениҳоят компьютер технологиялари ёрдамида ўқитиш дегани. Интерфаол ўқув воситаси сифатида компьютернинг амалий ва электрон таълим ресурсларини ўқув жараёнига жорий этиш муаммосининг умумий ёндашувларига оид М.Ҳ.Лутфиллаев, Б.С.Гершунский, И.В.Роберт, Н.Ф.Талъизина, Э.С.Полат, В.П.Беспалко, Н.В.Апатова, Г.К.Селевко каби олимлар илмий изланишлар олиб борган. Муаллифлар ўз асарларида компьютер технологияларидан фойдаланишнинг кенг педагогик имкониятларини ўрганган, шунингдек, унинг хусусиятлари ва аҳамиятини ўқув фаолиятининг воситаси сифатида кўриб чиққан. Бу борада, М.Ҳ.Лутфиллаевнинг фикрига кўра, интерфаол ўқитиш усуллари ўқув жараёнига мулоқотни самарали тадбиқ этишдан иборат бўлиб, ўқувчини ўқишга фаол жалб қилиш сифатида тушунилади. У ўзининг тадқиқот ишларида бугунги кунда интерфаол ўқитиш турларига – мунозара, гуруҳларда ишлаш, кейс ва компьютер технологиясидан фойдаланиб (тақдимотлар, компьютер имитацион модели, педагогик дастурий воситалар), ўқитиш усулларини кўрсатиб ўтган. Интерфаол ўқитиш усулларининг маъноси шундан иборатки, бунда барча ўқувчилар билим олиш жараёнига ва ўқув-маълумотларини фаол ўзлаштиришга жалб қилишдир.

Жаҳонда ушбу интерфаол ўқитиш усулларини қўллаш, фанга оид дидактик материалларни ва электрон таълим ресурсларини яратиш ҳамда ахборот технологиялари воситаларининг имкониятларидан фойдаланган ҳолда ўқув машғулотларининг самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, АҚШ мактабларида электрон таълим ривожланган бўлиб, ундан ўқувчилар масофадан туриб таълим олиш ва ўзини-ўзи мустақил равишда тармоқ орқали онлайн стандарт ва ностандарт тестлари ёрдамида баҳолаш имкониятига эга. АҚШ да мактаб ўқувчилари ўқув жараёнида интернет ва компьютердан фойдаланиш 77% ни, Канадада 52% ни, Буюк Британияда 41% ни, Финландия 19 % ни, Руминия ва Венгрияда эса 53 % дан юқори. Ушбу давлатларнинг 12-17 ёшли ўқувчиларининг барчаси

уй вазифалари ва мустақил ишларини ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланиб бажаради.

Бу борада, мамлакатимизнинг умумтаълим мактаблари таълим жараёнини ахборот технологиялари воситалари ёрдамида ташкил этиш мақсадида Халқ таълими ҳузуридаги ахборот таълим портали (**eduportal.uz**), Республика таълим марказининг веб-сайт (**rtm.uz**)ларини ташкил этилганлиги муҳим омил бўлмоқда. Аммо, ушбу ахборот таълим муҳитларида айнан 7-синф география фанини ўқитишга мўлжалланган электрон таълим ресурслар ҳамда ўқувчиларнинг билимини баҳоловчи ва назорат қилувчи онлайн тестлар банки етарли даражада эмас.

Шу боис, 7-синф география фанидан дарс ва дарсдан ташқари ўқув фаолиятини ташкил этувчи электрон таълим ресурслар, ўқувчилар билимини баҳоловчи ва назорат қилувчи онлайн тизимларни яратиш, улардан фойдаланиш механизмларини такомиллаштиришни тақозо этади. Бунинг натижасида, ўқувчилар география фанини мустақил ўрганиш орқали уларда табиий ходисаларни тасаввур қилиш кўникмалари шаклланади ҳамда креатив фикрлаши ривожланади.

Юқорида келтирилган муаммоларни бартараф этиш мақсадида умумтаълим мактабларининг 7-синф география фанини ўқитиш ҳолатини таҳлил қилиш учун дастлаб кузатиш ишларини олиб бордик. Кузатиш ушбу фанни ўқитиш самарадорлигини оширишга қаратилган.

Тадқиқот юзасидан дастлаб кузатиш ишлари олиб борилган мактаблардаги география фани ўқитувчилари дарсларни янги педагогик технологиялар асосида ташкил этаётгани маълум бўлди. Аммо, таҳлил натижаларига кўра, мазкур мактабларда география фанининг ўқитилишида баъзи бир муаммолар борлиги аниқланди. Ушбу муаммоларнинг асосий сабабларидан бири, фан ўқитувчиларининг ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланишга оид илмий-услубий билим даражаси етарли даражада эмаслигига илмий-изланишларимиз давомида ишонч ҳосил қилдик. Кузатилган 7-синф ўқувчилари география дарсларида зеркиб қолиш ҳолати ва ушбу фан ўқитувчилари ҳам дарсда кўзланган мақсадларга тўлалигича эришиш имкониятига эга бўлмадилар. Назаримизча, 7-синф география дарсларини фақат ўқув-маълумотлари асосида ўтиш ҳамда дарсдан ташқари ўқув фаолиятини ташкил этишда тақдимотли дастурлар, электрон дарсликлар, интерфаол хариталар, интерактив доскалар ҳамда ўзини-ўзи онлайн баҳолаш тизимлар етарли даражада эмаслигидир.

Мавзуга оид илмий-методик адабиётларнинг ҳамда мактаблардаги мавжуд ҳолатларнинг таҳлилига кўра, умумтаълим мактабларида 7-синф география фанини ўқитишда ахборот технологиялари воситаларини қўллашда куйидаги туркум муаммолар мавжуд: география фанидан халқаро талабларга жавоб берадиган (TIMSS, PISA) онлайн ва оффлайн тест ва ностандарт тест банкни яратиш; география ўқитувчиларини ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланиш маданиятини шакллантириш; интернет тармоғида география фанини ўқитишга мўлжалланган ахборот таълим муҳитини шакллантириш; география фанини ўқитишда ахборот

технологиялари воситаларини ва ўқитиш технологияларини интеграциясини такомиллаштириш.

Ўқувчиларда география фанига оид умумий компетенцияларини шакллантиришда жамият ва табиатнинг ўзаро боғлиқлиги, географик объектлар, жараён ва ҳодисалар, Ер юзининг табиий манзараси, табиатдан оқилона фойдаланиш, Ер юзидаги глобал экологик муаммолар ҳақида фикр-мулоҳаза юритишга ўргатиш, табиатни кадрлаш ва муҳофаза қилиш, олган назарий билимларини амалда қўллаш маҳоратини шакллантириш. Шунингдек, ўқувчиларнинг ҳаётий тасаввурлари билан амалий фаолиятларини умумлаштириб бориб, географик билимларни ҳаётга тадбиқ эта олиш салоҳиятини шакллантириш ва ривожлантиришда интернет тармоғида география фанидан таълим платформасини яратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бунда, ўқувчиларнинг дарсдан ташқари ўқув фаолиятини ташкил этиш, яъни, ўқувчиларнинг ўз фаолиятини таҳлил қилиш, умумлаштириш, маълумотларни тўплаш, маълум даражада тартибга келтириш ва ўқув маълумотни хотирага сақлашда ёрдам беради.

Диссертациянинг иккинчи боби «Умумтаълим мактабларида география фанини ўқитишда ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланиш методикаси» деб номланиб, ушбу бобда умумтаълим мактабларининг 7-синф география фанини ахборот технологиялари воситалари ёрдамида ўқитиш самарадорлигини ошириш модели (1-расмга қаранг) ишлаб чиқилди ҳамда дарс ва дарсдан ташқари ўқув фаолиятини ташкил этиш методикаси такомиллаштирилди.



1-расм. Умумтаълим мактабларида географияни ўқитиш самарадорлигини оширишда ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланиш моделининг тузилмаси.

Ушбу моделдан фойдаланиш мақсадида интернет тармоғида 7-синф география фани учун <http://geografiya-7.uz/> манзилида ахборот таълим платформаси яратилди.

Мазкур ахборот таълим платформаси география таълим-тарбия жараёни учун қуйидаги афзалликларга эга: масофадан туриб ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги алоқани таъминлашга ёрдам беради; ўқувчининг қизиқишини уйғотишга оид қўшимча имкониятларини масофадан туриб амалга оширади; география таълимига оид турли вазиятларда фойдаланишни сезиларли даражада оширади. Шунингдек, ўқувчиларнинг ақлий фаолиятини ривожлантириш учун махсус ахборот таълим муҳити сифатида хизмат қилади; ўқувчиларнинг география фанидан ўзини-ўзи ривожлантириш ва назорат қилиш учун муҳим восита бўлиб хизмат қилади; ўқувчилар учун география фанидан ўқув-маълумотлар билан таъминлашни оширади (ўқув-маълумотларни тизимли ташкил этишга, компьютерда дастурлари ёрдамида машғулотлар ўтказиш имконияти); ўқувчиларнинг дарсдан ташқари ўқув фаолиятини самарали ташкил этишни таъминлайди (мавзуни мустақил ўрганиш ва ўтилган мавзуларни такрорлаш).

Айни пайтда, умумтаълим мактабларида дарсларни компьютер технологиялари ва унинг педагогик дастурий воситалар ҳамда электрон таълим ресурсларидан фойдаланиб ўқитиш бўйича маълум механизмлар ишлаб чиқилган ва улардан фойдаланиб келинмоқда. Аммо, ахборот технологияларининг такомиллашуви туфайли, ушбу механизмларни 7-синф география таълимига қўллаш, уларни янада такомиллаштириши тақозо этмоқда.

Бугунги кунда 7-синф география фани дарслигининг ўқув мазмуни икки бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлимда 34-соат “Ўрта Осиё табиий географияси”, иккинчи бўлимда эса 34-соат “Ўзбекистон табиий географияси” ўргатилади.


Тадқиқотимизда 7-синф география фанининг ушбу бўлимларини ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланиб, ўқитиш мақсад қилиб белгиланган. Шу боис, электрон таълим ресурсларни ҳамда муаммоли таълим ва компьютерли ўқитиш технологиясини интеграциялаш асосида ўқитиш методикаси ишлаб чиқилди.

Интеграциялашган дарслар муаммоли тадқиқотлар технологиясидан фойдаланган ҳолда қурилади, бу эса муаммоли топшириқлар ёрдамида ўқувчиларнинг билим фаолиятини ривожланишини таъминлайди. Ўқувчилар стандарт вазифаларни ностандарт усулда - замонавий компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда ечишга ҳаракат қилишади. Бу ўқувчини мотивациясини оширишга ҳамда мавзуни ўрганишга бўлган қизиқишни уйғотади. Шунингдек, ўқувчиларни компьютернинг амалий дастурлари билан ишлаш кўникмаларини шакллантиради. Шу боис, умумтаълим мактабларининг география фанини ўқув жараёнига ахборот технологиялари воситаларини кенг қўламда тақдим этиш мақсадаг мувофиқ ҳисобланади.

Ахборот технологиялари воситалари асосида географияни дардан ташқари ўқув фаолиятининг самарали ташкил этишда таълим порталлари ва платформалари муҳим педагогик дастурий восита бўлиб хизмат қилади. Уларга жойлаштирилган электрон таълим ресурслардан фойдаланишнинг асосий мақсади—замонавий ахборот-таълим услубини шакллантириш, замонавий ахборот ва педагогик технологияларни қўллаш орқали мустақил ўқув фаолиятини самарали ташкил этишдир.

Шу боис, география фанидан дардан ташқари ўқув фаолиятини самарали ташкил этиш учун халқ таълими тасарруфидаги **eduportal.uz**, **rtn.uz** ахборот таълим муҳитларидан ҳамда тадқиқот доирасида, <http://geografiya-7.uz/> манзилида яратилган ахборот таълим платформасидан фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш лозим. Мазкур ахборот таълим муҳитлари ёрдамида ташкил этиладиган дардан ташқари ўқув фаолиятни ташкил этиш шаклларига, жумладан тўғараклар, кўрик, мусобақа, мунозарали баҳс, учрашув, ҳар хил турдаги ўйин, кўргазмали чиқиш, саёҳат ва шу қабиларга интеграциялаш лозим.

Шу сабабли, умумтаълим мактаб ўқувчиларининг географиядан дардан ташқари ўқув фаолиятини ахборот технологиялари воситалари ҳамда таълим порталлари ва платформалари ёрдамида ўқитишнинг тузилмаси мисолида кўриш мумкин (2-расмга қаранг).




2-расм. География фанидан дардан ташқари ўқув фаолиятини ташкил этишнинг тузилмаси

Ўқувчиларнинг дарсдан ташқари ўқув фаолиятини ахборот технологиялари воситалари асосида самарали ташкил этишда 2.-расмдаги тузилмадан фойдаланиш учун **eduportal.uz** таълим портали, **rtm.uz** веб сайти ҳамда тадқиқот доирасида, <http://geografiya-7.uz/> манзилида яратилган ахборот таълим платформасидан фойдаланишни тавсия этамиз. Бунда қуйидаги ижобий натижаларга эришиш мумкин: дарсда берилган билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштиради; мустақил равишда фанни ўзлаштириш имкониятини яратади; ўқувчининг бўш вақтини унумли ўтказишни таъминлайди; ўзини-ўзи онлайн билимини баҳолаш имкониятини яратади; айрим сабабларга кўра дарсга қатнашаолмаган ҳамда имконияти чекланган ўқувчи-ёшларни масофадан таълим олишни муайян даражада таъминлайди.

Бугунги кунда умумтаълим мактаблари таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини аниқлашда оптимал назорат турини танлаш ва уларни жорий этиш методикасини такомиллаштириш зарурати мавжуд. Шунинг учун мактаб ўқувчиларининг ўқув режадан ўрин олган курслар бўйича ўзлаштирган билим, кўникма, малакаларини аниқлаш ва баҳолашда назорат турларининг энг самарали усули, яъни, онлайн тест тизимидан фойдаланиш муҳим ҳисобланади.

Шу боис, 7-синф география фанидан ўқувчиларни онлайн тестлар ёрдамида билимини баҳолаш ва назорат қилишнинг дидактик тизими такомиллаштирилиб, интернет тармоғининг <http://geografiya-7.uz/> манзилига жойлаштирилди. Ушбу таълим платформасига жойлаштирилган онлайн стандарт ва ностандарт тестлардан фойдаланиш алгоритми қуйидагича (3-расмга қаранг):



3-расм. Онлайн тестлардан фойдаланиш алгоритми.

Тадқиқот доирасида яратилган онлайн тизимнинг топшириқлари тўрт даражали тестлардан иборат. Яъни, репродуктив, продуктив, қисман-изланишли, креатив даражали тестлар. Ушбу онлайн тизим қуйидаги афзалликларга эга: ўқувчиларнинг ўқув-маълумотларини ўзлаштириш даражасини оператив диагностика қилиш; баҳолашнинг объективлиги; ўқитиш натижалари статистикаси; курснинг ҳар бир мавзусини ўрганишини батафсил текшириш ва таҳлил қилиш имконияти.

Диссертациянинг «Педагогик тажриба-синов ишларининг натижалари ва уларни самарадорлиги» деб номланган учинчи бобида умумтаълим мактабларининг 7-синф география фанини ахборот технологиялари воситалари ёрдамида ўқитиш самарадорлигини оширишга қаратилган педагогик тажриба-синов ишларининг натижалари келтирилган.

Тажриба-синов ишлари 2018-2020 йилларда Тошкент шаҳридаги 317, 269-умумтаълим мактабларида, Самарқанд вилояти Қўшрабод туманидаги 9-умумтаълим мактаби, Нарпай туманидаги 6-умумтаълим мактаби, Навоий шаҳридаги 17-умумтаълим мактаби ва Жиззах вилояти Бахмал туманидаги 38-умумтаълим мактаби, Ғаллаорол туманидаги 7-умумтаълим мактабларида ўтказилди. Тажриба ва назорат гуруҳлари учун жами 13 нафар ўқитувчи ва 470 нафар ўқувчи жалб этилди. Тажриба-синов ишлари уч босқичда олиб борилди. Яъни, аниқловчи (2018 й.), шакллантирувчи (2019 й.), якунловчи (2020 й.) босқичларда ўтказилди.

Тажриба-синов ўтказиш учун танлаб олинган мактабларнинг 7-синф ўқувчиларини параллел равишда тажриба ва назорат гуруҳига ажратилди. Тажриба ва назорат гуруҳига ажратишда, ўқувчиларнинг билими оғзаки, ёзма, онлайн тест ва ностандарт тестлар ёрдамида аниқланди.

Тажриба-синов ишининг аниқловчи босқичи 2018 йилда олиб борилди. Ушбу босқичда умумтаълим мактабларининг 7-синф география фани ўқув жараёнини таҳлил қилиш мақсадида мактабдаги мавжуд ўқитиш ҳолатлари таҳлил қилинди ҳамда география фанига оид ўқув адабиётлар, электрон ўқув услубий мажмуалар, электрон таълим ресурслар, таълим сайтлари, порталлари ва платформаларнинг ҳолати ўрганилди. Шунингдек, ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида анкета-сўровлар, суҳбатлар ўтказилди. Ушбу таҳлиллар асосида тадқиқотни олиб боришда қайси жиҳатларга эътибор қаратиш лозимлиги белгилаб олинди.

Тажриба-синов ишининг шакллантирувчи босқичи 2019 йилларда ўтказилди. Ушбу босқичда мамлакатимиздаги 7 та умумтаълим мактабларидан иштирокчилар таркиби ва вазифалари аниқлаштирилиб, 7-синф география фанини ўқитишда ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланиш модели, такомиллаштирилган дарс ўқитиш методикаси ҳамда интернет тармоғида таълим платформаси ва уни баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилди. Мазкур босқичда, <http://geografiya-7.uz/> манзилига жойлаштирилган ахборот таълим платформаси ва унга жойлаштирилган электрон таълим ресурслар (тақдимотлар, электрон хариталар, мультимедиа иловалари, онлайн тестлар) нинг таълим-тарбия жараёнидаги аҳамияти бўйича география фани ўқитувчиларининг фикрлари анкета-сўровнома ёрдамида ўрганилди ва таҳлил қилинди. Улар томонидан билдирилган камчиликлар, таклиф ва тавсиялар бўйича ишлаб чиқилган таълим платформасини дизайни ва мазмуни такомиллаштирилди.

Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилиб, <http://geografiya-7.uz/> манзилига жойлаштирилган ахборот таълим платформаси Тошкент шаҳридаги 317, 269-умумтаълим мактабларида, Самарқанд вилояти Қўшрабод туманидаги 9-умумтаълим мактаби, Нарпай туманидаги 6-умумтаълим мактаби, Навоий

шаҳридаги 17-умумтаълим мактаби ва Жиззах вилояти Бахмал туманидаги 38-умумтаълим мактаби, Ғаллаорол туманидаги 7-умумтаълим мактабларининг 7-синф география дарсларига тадбиқ этилди.

Тажриба-синов ишининг якунловчи босқичи 2020 йилда олиб борилди. Якунловчи тажриба-синов босқичида тажриба ва назорат гуруҳларида ўқув жараёнига тадбиқ этилган, яъни, такомиллаштирилган дарс ишланмалари, ахборот таълим платформаси ва унга жойлаштирилган электрон таълим ресурсларининг самарадорлиги ҳамда ўқувчиларни билим даражалари аниқланди.


Умумтаълим мактабларининг 7-синф ўқувчиларида ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш учун тажриба гуруҳига 235 нафар, назорат гуруҳига эса 235 нафар ўқувчи танлаб олинди. Тажриба синовида қатнашган ўқувчиларнинг кўрсаткичлари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Тажриба синовида қатнашган 7-синф ўқувчиларининг кўрсаткичлари

№	Чорак	Тажриба ва назорат гуруҳларида ўқувчиларнинг олган баҳолари									
		Тажриба гуруҳи					Нazorат гуруҳи				
		Ўқувчиларнинг умумий сони	5 (аъло)	4 (яхши)	3 (қониқарли)	2 (қониқарсиз)	Ўқувчиларнинг умумий сони	5 (аъло)	4 (яхши)	3 (қониқарли)	2 (қониқарсиз)
Тошкент шаҳри 317, 269-умумтаълим мактаблари											
1	I	70	25	32	11	2	70	22	30	14	4
2	II	70	26	35	7	2	70	21	29	15	5
3	III	70	25	36	8	1	70	20	28	17	5
4	IV	70	28	35	5	2	70	23	31	12	4
Самарқанд вилояти Қўшрабод тумани 9-умумтаълим мактаби, Нарпай тумани 6-умумтаълим мактаби											
1	I	44	15	23	4	2	45	8	20	13	4
2	II	44	16	22	5	1	45	9	15	18	3
3	III	44	16	23	4	1	45	11	19	11	4
4	IV	44	18	19	6	1	45	10	14	19	2
Навоий шаҳри 17-умумтаълим мактаби											
1	I	80	31	37	10	2	80	19	35	21	5
2	II	80	30	38	11	1	80	18	36	24	2
3	III	80	34	36	9	1	80	16	31	29	4
4	IV	80	32	35	13	0	80	20	30	27	3
Жиззах вилояти Бахмал тумани 38-умумтаълим мактаби, Ғаллаорол тумани 7-умумтаълим мактаби											
1	I	41	17	15	7	2	40	10	11	16	3
2	II	41	15	17	8	1	40	9	12	17	2
3	III	41	15	19	7	0	40	8	13	18	1
4	IV	41	16	20	4	1	40	9	14	15	2
Умумий ўртачаси		59	22	27	8	2	59	15	24	16	4

Тажриба синов натижаларининг кўрсаткичлари



4-расм. 7-синф ўқувчиларининг ўзлаштириш динамикаси.

1-жадвалда қайд этилган сонли маълумотлар Стьюдент-Фишер критерияси асосида математик-статистик таҳлил этилди. Таҳлил натижасига кўра, 7-синф тажриба гуруҳининг кўрсаткичи назорат гуруҳига нисбатан 8,53 % га ошганлиги аниқланди.

ХУЛОСА

Умумтаълим мактабларида география фанини ахборот технологиялари воситасида ўқитиш механизмларини такомиллаштириш мавзусида олиб борилган илмий-назарий ва услубий-амалий тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. География фанидан таянч компетенциялар таркибини ўқитишда ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланиш (компьютер тақдимотлари, электрон дарсликлар, интерактив доскалар, интерфаол хариталар, ахборот таълим порталлари) самарали педагогик дастурий восита ҳисобланади.

2. География фани машғулотларининг ўқув-ташкилий тузилмаси ўқитиш технологиялари (муаммоли, индивидуал, компьютерли) ва ахборот технологиялари ўқув воситалари босқичларини интеграциялаш (тизимлаштириш, мослаш, бойитиш) асосида олиб борилса, ўқувчиларнинг муаммоли топшириқлар ёрдамида билим фаолиятининг ривожланишини таъминлашга эришиш мумкин.

3. Умумтаълим мактабларида география фанини ўқитишда компьютернинг педагогик дастурий воситаларини (тақдимотлари, электрон

дарсликлар, интерактив доскалар, интерфаол хариталар, ахборот таълим порталлари) ва ўқитиш технологиялар (муаммоли, индивидуал, компьютерли) ни интеграциялаш асосида такомиллаштирилган дарс ўтиш методикасидан фойдаланилса, ўқувчининг фанга бўлган қизиқишини оширади ҳамда табиатга оид билим, кўникма ва малакалари ошади.

4. География фанида синфдан ташқари ўқув фаолиятини ташкил этишда ахборот таълим порталлари ва педагогик дастурий воситаларидан фойдаланилса, ўқувчилар ушбу фанга бўлган қизиқишини оширишга, тасоввурини шакллантиришга, ўз билимларини синаб кўриш, фанга оид маълумотлардан бир неча маротаба фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Натижада, география фанига оид мотивацияни оширади ва тафаккур ривожланади.

5. География фанидан яратилган онлайн тестлардан ўқувчилар дарсдан бўш вақтда ўз билимларини мустақил равишда баҳолаб кўришда фойдаланишлари мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

6. Умумтаълим мактабларининг география таълим-тарбия жараёнига замонавий ахборот технологияларни кенг кўламда жорий этиш лозим. Бунда ўқувчилар география фанига оид жараён ва ҳодисаларни образли равишда тасаввур қилиш кўникмалари шаклланишида, креатив фикрлашини ривожлантиришида муҳим аҳамият касб этади.

7. Умумтаълим мактабларида география фанига оид ўқув-маълумотлар кенг кўламда тадбиқ этиш учун интернет тармоғида ахборот таълим платформаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бунда ўқувчиларнинг дарсдан ташқари ўқув фаолиятини самарали ташкил этишга ҳамда мустақил шуғулланиши учун ўқув-услубий ёрдамлашишга ва ўзини-ўзи назорат қилиш кўникмаларини шакллантиришга, фанга бўлган қизиқишини оширишга хизмат қилади.

8. Тадқиқот доирасида яратилган ахборот таълим платформаси ва унга жойлаштирилган педагогик дастурий воситалар баъзи бир сабабларга кўра дарсларга қатнаша олмаган ва имконияти чекланган ўқувчиларининг география фанининг маълум қисмларини ўрганиш ва ўзини-ўзи мустақил равишда баҳолашга муайян даражада хизмат қилади.

9. Умумтаълим мактабларининг 7-синфда география фанидан дарсдан ташқари ўқув фаолиятини самарали ташкил этишда ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланиш (компьютерлар, интернет технологиялари, тақдиротлар, электрон таълим воситалари, интерфаол харита, виртуал видеолар) мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бунда ўқувчиларнинг мустақил таълим олишга оид мотивациясини ўйғотиш орқали, уларни компетентлигини ривожлантиради.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСВОЕНИЮ УЧЕНЫХ
СТЕПЕНЕЙ НА ОСНОВЫ НАУЧНОГО СОВЕТА
DSc.03/30.12.2019.Gr.02.07 ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**УЗБЕКСКИЙ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ
ПЕДАГОГИЧЕСКИХ НАУК**

ЖАНЗАКОВ АНВАР БОТИРОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРЕПОДАВАНИЯ ГЕОГРАФИИ В
ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ШКОЛАХ С ПОМОЩЬЮ
ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

13.00.02-Теория и методика обучения и воспитания (география)

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема докторской диссертации (PhD) доктора философии по педагогическим наукам зарегистрирована за номером B2018.3.PHD/Ped610 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Узбекском научно-исследовательском институте педагогических наук.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.samdu.uz) и на информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу www.ziyonet.uz.

Научный руководитель:	Ибраимов Холбой доктор педагогических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Боймирзаев Каримжон Мирзахмедович доктор географических наук, доцент Файзиев Мирзаали Асфандиярович кандидат педагогических наук, доцент
Ведущая организация:	Каршинский государственный университет

Защита диссертации состоится на заседании разового научного совета по присуждению ученых степеней на основы научного совета DSc.03/30.12.2019.Gr.02.07 при Самаркандском государственном университете «9» октября 2021 года в 13-00. (Адрес: 140104, г.Самарканд, университетский бульвар, 15. Главный корпус, актовый зал, Самаркандского государственного университета. Тел.: (99866) 239-16-36; факс: (99866) 239-11-40; E-mail: ik-geografiya2019@mail.ru).

Диссертацию можно получить в Информационно-ресурсном центре Самаркандском государственном университете (зарегистрирован под _____). (Адрес: 140104, г.Самарканд, университетский бульвар, 15. Тел.: (99866) 233-60-87).

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2021 года.
(реестр протокола рассылки №2 от «21» сентября 2021 года).



С.Б. Аббасов
Председатель разового Научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.г.н., профессор

Б.А. Мелнев
Ученый секретарь разового Научного совета
по присуждению ученых степеней,
PhD по географических наук

Н.К. Камилова
Председатель Научного семинара
при разовом Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.г.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. В мире на основе компетенционного подхода к процессу обучения географии особое внимание уделяется повышению качества и эффективности обучения, используя возможности современных педагогических и информационных технологий для повышения естественно- научной грамотности учащихся. При преподавании естественных наук, в том числе географии, важно развивать творческие способности учащихся за счет эффективного использования педагогического программного обеспечения, информационной среды обучения, а также совершенствовать теоретико-методологические и методические основы обучения.

На международном уровне проводятся исследования по дальнейшему совершенствованию механизмов внедрения инновационных технологий, дидактических материалов и информационных технологий в повышении качества и эффективности образования по географии на основе современных принципов развития. Результаты исследования служат укреплению теоретических основ науки на основе формирования необходимых компетенций по географии, раскрытия характера междисциплинарных связей, интеграции образовательных технологий с информационными технологиями.

Мероприятия, направленные на модернизацию образовательного процесса общеобразовательных школ, укреплению материально-технической базы, созданию дополнительной учебной среды для учащихся, поднятию духовно-нравственного и интеллектуального развития подрастающего поколения на качественно новый уровень, инновационные формы и методы обучения требуют необходимости создания сильную мотивацию для обучения учащихся в интегрированной среде обучения, основанной на информационных технологиях. Концепция развития системы народного образования до 2030 года включает в себя такие приоритетные задания ,как “Внедрение современных информационно-коммуникационных технологий и инновационных проектов в сфере народного образования; совершенствование методов обучения, обеспечение учителей и администрацию школы современными информационными и коммуникационными технологиями и инструментами; Постепенное применение принципов индивидуализации в учебном процессе, развитие научно-практических исследований, направленных на изучение и научное обоснование альтернативных подходов”.² В связи с этим важно создать информационные образовательные платформы для открытого использования географии на примере 7 класса, усовершенствовать современное педагогическое программное обеспечение и структуру обучения на основе

² Указ Президента Республики Узбекистан от 29 апреля 2019 года № ПФ-5712 «Об утверждении Концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года». - Национальная база данных законодательства, № 06/19/5712/3034, 29 апреля 2019 г.

интеграции образовательных технологий, усовершенствовать методику организации внеклассной деятельности.

Данное диссертационное исследование в определенной степени послужит реализации задач, поставленных УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», УП-5313 от 25 января 2018 года «О мерах по кардинальному совершенствованию системы общего среднего, средне- специального и профессионального образования», УП-5712 от 29 апреля 2019 г. «Об утверждении Концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года» и других нормативных актов в этой сфере.

Соответствие исследования приоритетам развития науки и технологий республики. Данное исследование проводилось в рамках приоритета развития науки и технологий республики I. «Формирование системы инновационных идей и способов их реализации в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информатизированного общества и демократического государства».

